



**O'zbekiston Milliy axborot agentligi  
O'zA Ilm-fan bo'limi**

Elektron jurnal  
2023 yil yanvar soni №01 (39)

Toshkent-2023

# ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

## Илмий нашр 2023 йил январь ойи сони №01 (39)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартағи 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилемайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фанд бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microcoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

### Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов  
А.Асқаров  
Д.Ю.Юсупова  
А.Х.Саидов  
Т.Ў.Арипова  
Қ.Р.Аллаев  
С.М.Туробжонов  
Ш.Т.Кудратхўжа  
Н.А.Ҳусанов

Қ.Ш.Омонов  
А.С.Сагдуллаев  
С.С.Гуломов  
Ф.Г.Назиров  
Р.Д.Курбанов  
М.Ҳ.Рустамбоев  
Н.М.Махмудов  
И.С.Саифназаров  
Н.Х.Обломуродов  
Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй  
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

## МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР РИВОЖИДА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТИЗИМИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛИ

**Лазизжон Махмуд ўғли ХОЛИКОВ**

Мустақил изланувчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

### Аннотация

Мақолада миллатлараро муносабатлар, тотувлик ва ҳамжиҳатликни юксалтиришда сифатли таълим ва тарбия тизимидан фойдаланиш, шунингдек маънавий янгиланишлар жараёнида ёшлар дунёқарашида инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлишини таъминлаш масалалари ёритиб берилган.

**Таянч сўзлар:** кўп миллатлилик, диний бағрикенглик, сифатли таълим тизими, тарбия, билим, ислоҳот, қадрият.

## СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СИСТЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ В РАЗВИТИИ МЕЖНАЦИОНАЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ

**Лазизжон Махмуд углы ХОЛИКОВ**

Независимый исследователь

Бухарский государственный

университет

Бухара, Узбекистан

### Аннотация

В данной статье освещаются вопросы использования качественной системы образования и воспитания для укрепления межнациональных отношений, согласия и солидарности, а также обеспечения приоритета гуманитарных начал в мировоззрении молодежи в процессе духовного обновления.

**Ключевые слова:** многонациональный, религиозная толерантность, качественная система образования, воспитание, знания, реформы, ценности.

Сифатли таълим тизими аксарият ривожланган давлатлар сиёсатининг устувор ўйналишларидан бири ҳисобланади. АҚШ, Буюк Британия, Япония, Германия, Жанубий Корея каби мамлакатлар ўзининг ҳозирги юксак тараққиёт даражасига айнан сифатли таълимни таъминлаш ва унга эътибори туфайли эришган. Янги Ўзбекистон ҳам сифатли таълим тизимида стратегик ва жадал ислоҳотларни узлуксиз таълим тизимини яратиш орқали амалга оширишга киришди. Янгича фикрлай оладиган, компьютер илмларини теран тушунган, хорижий мамлакатлардаги тенгдошлари билан бемалол рақобатлаша

оладиган, халқпарвар, келажаги порлок авлодни шакллантириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Зеро, «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!» [2].

Жумладан, 2022 йил 20 декабр санасида давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ва халқимизга қилган мурожаатномасида “Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади” [1], деб таъкидлади. Бугунги кунда давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилаётганлиги, миллатидан қатъи назар, барча Ўзбекистон фуқароларида ягона Ватан ва унга садоқат билан хизмат қилиш туйғусини шаклланишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Шунингдек, миллатлараро муносабатлар йўналишидаги яна бир долзарб масала – аҳолининг миллий таркибиға мос келадиган сифатли таълим ва тарбия тизимини ташкил қилиш. Бу борада республикамизда бугунги кунга келиб, 10 мингга яқин мактаб фаолият юритаётгани, шундан 845 та мактабда рус, 491 та мактабда қозоқ, 259 та мактабда тожик, 52 та мактабда туркман, 40 та мактабда қирғиз, 7 та мактабда корейс тилларида таълим бериш йўлга қўйилганини таъкидлаш мақсадга мувофиқдир. Булар орасида икки ёки уч тилда ўқув машғулотлари олиб борилаётган мактаблар ҳам бор. Бундан ташқари, педагогика институтларида ўзбек тилидан ташқари рус, тожик, туркман, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ тилларида ҳам машғулотлар олиб бориладиган мактаблар учун мутахассислар тайёрлаб келинаётгани миллатлараро муносабатлар ривожида сифатли таълим тизимининг ўрни бекиёс эканлигидан далолат беради.

Шу билан бирга, мамлакатимиз ОТМ лари босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимиға ўтказилди ва уларнинг молиявий барқарорлиги таъминланди. Мамлакатимиз олий таълим тизимида янги олий ўқув юртлари, жумладан нуфузли хорижий университетлар филиаллари очилди. Етакчи хорижий университетлар билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. ОТМларнинг бевосита ишлаб чиқариш ва илмий тадқиқот институтлари билан ўзаро манфаатли узвий ҳамкорлигига жиддий эътибор қаратилмоқда, бу эса сифатли мутахассислар тайёрлашнинг муҳим омилидир.

Юрбошимиз таъкидлаб ўтганларидек, бизнинг энг асосий мақсадимиз – мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта маҳсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни Учинчи Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқасига, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса Янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунига айлантиришдан иборат.

Фақат кучли билим ва салоҳиятли, ҳар томонлама юксак тарбияли инсон бир-бирининг қадрини, миллий урф-одат ва қадриятларини, бошқача айтганда, ўзлигини англаши, ўз тақдирини ўзи белгилаши, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Турли ижтимоий институтларнинг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда тизимли ва тадрижий тарзда олиб борилган мағкуравий тарбия натижасидагина миллий истиқлол ғоясини кишилар қалби ва онгига сингдиришдек мураккаб ва серқирра жараён кўзланган натижани беради. Хусусан, фан, маданият, маданий-маърифий муассасалар, оила, маҳалла, меҳнат жамоалари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари каби ижтимоий институтлар бу жараёнда муҳим ўринни эгаллайди. Бу, бир томондан, уларнинг ҳар бири кишилар онгига таъсир ўтказишнинг ўзига хос

ва бетакрор усулларига эга экани ва иккинчи томондан, ҳар бир инсон бутун ҳаёти давомида мазкур институтлар (масалан, оила, маҳалла, оммавий ахборот воситалари) нинг мунтазам таъсири остида бўлиши билан белгиланади.

Аммо ушбу институтлар ичида таълим тизими мухим ва асосий ўрин эгаллаши билан ажралиб туради.

Биринчидан, ҳар бир бола ёшлигиданоқ айнан таълим муассасаларида тўпланган ижтимоий тажриба ва қадриятларни илмий жиҳатдан ва тизимли тарзда ўзлаштириб боради.

Иккинчидан, таълим соҳасидаги ислоҳотлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик туфайли ғоявий тарбия жараёнида тадрижийлик таъминланади. Натижада одамларнинг билими доираси ҳам микдор, ҳам сифат жиҳатдан юксалиб боради.

Учинчидан, ҳар қандай билим сифатли таълим жараёнининг ўзида бевосита ва тўғридан-тўғри ўзлаштирилади.

Шундай экан, сифатли таълим тизимини яратишнинг ғоявий тарбия жараёнидаги муносиб ўрнини таъминлаш ўз мустақиллигини қўлга киритган, демократик ҳукуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти асосларини яратадиган мамлакатимиз учун мухим ҳаётий аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиз. Зеро, кўзланган мақсадларга ушбу орзуумид ва интилишларни ўзида мужассамлаштирган сифатли таълим ва узлуксиз тарбия тизимисиз эришиш мумкин эмас. Буюк жадид бобомиз Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган фикрлари бугунги кунда ҳам долзарбdir.

Сифатли таълим ва тарбия тизими жамият ҳаётининг шундай бир нозик, аҳамиятли соҳасики, бу борада хўжакўрсинга иш қилиш иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кутилмаган турли инқирозларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, бу соҳада ўзи бўларчилик ва лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. Ёш авлод қалбida янги билимларни эгаллашга бўлган иштиёқ, ўзаро ҳурмат, толерантлик маданиятининг шаклланиши анча муракқаб ва мashaққатли жараён ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун кенг кўламли маданий, тарихий, маърифий, тарбиявий ишларни амалга ошириш керак бўлади.

Аслида, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб, янгиланиб бораверади,

Сифатли таълим тизимининг кишилар онгига сингдиришдаги аҳамиятини инобатга олган ҳолда, “Миллий тикланишдан – “миллий юксалиш сари” ғоясининг ўзи ҳам улкан тарбиявий салоҳиятга эга эканини унутмаслик лозим. “Янги Ўзбекистоннинг шаклланиш босқичида айнан мана шу ғоя таълим соҳасидаги янги услубларни ишлаб чиқиш жараёнида ҳал қилувчи рол ўйнайди. Жамиятимизнинг асосий ғояси сифатида барча даражалардаги тарбиявий ишларнинг йўналиши, мазмuni, восита ва усулларига кучли даражада таъсир кўрсатади”.

Айни пайтда, кўп миллатлилик ва кўп конфессиялилик шароитида ёшлар онгига миллий истиқлол мафкурасининг миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик ғояларининг мустаҳкам ўрин олишига алоҳида эътибор бериш талаб этилишини ҳам ёддан чиқармаслик лозим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йилда Олий Мажлис ва Ўзбекистон ҳалқига қилган мурожаатномаларида ҳам миллати, тили ва динидан қатъи назар, Ўзбекистонни ўзининг Ватани деб биладиган, унинг равнақи учун ҳисса қўшиб келаётган ҳар бир фуқаро бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг эътибори ва

ардоғида бўлади. Миллатлараро дўстлик, диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжихатлик, ижтимоий бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизда турли миллат вакилларига нисбатан кўрсатилаётган кучли хурмат ва эҳтиром, кенг имконият ва шароитларнинг яратиб берилиши нафақат сифатли таълим ва тарбия тизимининг ривожига, балки, тараққиётнинг барқарорлашиб боришига ҳам хизмат қиласи.

Жамиятдаги ўзгариш, янгиланиш жараёни инсон хулқига жиддий таъсир ўтказади. Хусусан, XX асрдаги туб ўзгаришларнинг моҳияти ва уларнинг кишилар характеристига таъсири масаласи Э. Тоффлер фикрича, янги киши шаклланаётгани йўқ, янги социал характер шаклланмоқда. Шунинг учун ҳам, биз мифологик “одам” қиёфасини эмас, балки характернинг ўзига хос белгиларини аниқлашимиз даркор, негаки, у эртанги тараққиёт томонидан баҳоланади [5].

Инсоннинг ҳаётда ким бўлиб етишиши жамият, унда устувор бўлган қарашлар ва қадриятлар, уларни сингдириш, мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган тарбия тизимида устун даражада боғлиқ экан, шахс шаклланишининг илк босқичларидаёқ, унинг дунёқараси, қадриятлар тизимида инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлишини таъминлаш, миллий нигилизм, маҳдудликка ўрин қолдирмаслик муҳим аҳамиятга эга. Миллатлараро муносабатлар ривожига таҳдид соловчи деструктив ғояларга қарши курашда энг муҳим восита ва “юмшоқ куч” бу ҳар томонлама замонавий ва сифатли таълим тизимиdir.

Ҳар қандай жамият ёки давлатнинг тараққий топиб бориши энг аввало, унинг илм-фан ва таълимга берган эътиборига боғлиқдир. “Таълим соҳасига эътибор бермайдиган, фандан юз ўғирган мамлакат инқизозга маҳкумдир” [4].

XXI асрда сифатли таълим нафақат илмий тараққиёт, балки жамият тараққиёти, ижтимоий ривожланишининг ҳал қилувчи кучига айланади, бу қонуният Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаронинг дунёқараси ва маънавиятини кенгайтириш ва чукурлаштиришни тақозо этади. Ҳозирги замонда эришилаётган ютуқларнинг жамият ҳаётидаги ўрни тўғрисида фикр юритилганда албатта сифатли таълимнинг аҳамиятини зикр этиш зарур. Чунки ҳозирги даврда фан ва технология қанчалик алоқадор бўлса, таълим ва тарбия ҳам шунчалик узвийдир. Зеро, таълим фаннинг алоҳида намоёндалари томонидан ишлаб чиқилган ишончли билимларни бутун жамиятга улашадиган, фаннинг ўз-ўзини такрор ташкил этиш механизмини юритувчи куч сифатида майдонга чиқмоқда. Айниқса таълимга инновацияларни жорий қилиш ҳозирги даврнинг асосий заруратига айланди. Хусусан, Ўзбекистонда ҳам таълим ва тарбиянинг алоқадорлигини таъминлаш ҳамда таълимга инновацияларни жорий этиш орқали юксак билимли кадрларни тайёрлаш долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилган. Бу борада эришилаётган ютуқлар ҳалқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи рол ўйнайдиган муҳим жиҳатлардан бири замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимизга берилаётган имконият ва эътибордир. Шу билан бирга бугунги кунда ёш авлодга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда сифатли таълим бериш, уларнинг илм-фанга бўлган интилишларини рўёбга чиқариш мақсадида, узлуксиз таълим тизимининг моддий-техник базасини, илмий ва ўқув жараёnlари сифатини тубдан яхшилаш масалалари ҳам долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимиз ёш фуқароларининг менталитети, бинобарин, умуман жамиятнинг

муттасил ривожланиши ўкув юртларида ёшларнинг инсонпарварлик таълимини модернизациялаш муваффақиятига боғлиқдир. [3].

Жумладан, узлуксиз таълим тизими хуқуқий тартибга солишга қаратилган “Таълим кодексини” ишлаб чиқиш зарурати юзага келгандиги, олий таълим бакалавр босқичи учун “Маънавиятшунослик”, магистрлар учун “Касб маънавияти” фанлари жорий этилаётганлиги, ёш авлодни ватанпарлик руҳида тарбиялаш, эртанги кунга ишонч, буюк аждодларимиздек буюк ишларни қилишга матонат, ўзга миллат вакиллари билан бир оиласдек ҳамжиҳат бўлиб яшашдек масъулиятли вазифани бажариш барчамизнинг энг олий мақсадларимиздан бирига айланмоғи лозим. Бу жиҳатдан, “2022–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг узлуксиз таълим ва тарбия соҳасини гуманитарлаштириш стратегияси” босқичма-босқич амалга ошиб келаётганлиги юқоридаги фикрларимизни яна бир карра исботлайди.

Бугунги кунда миллатлараро муносабатлар ривожини таъминлашда сифатли таълим тизими олдида бир қатор вазифалар турибди ва уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

узлуксиз таълим тизимида турли миллатга мансуб фуқароларнинг таълим олаётганлигини инобатга олиб, улар ўртасидаги ўзаро хурмат ва бирдамлик мухитини кучайтириш;

ёшлар қалбida толерантлик туйғусини шакллантириш ва шу орқали турли деструктив ғояларга барҳам бериш;

таълим тизмида таҳсил олувчи турли миллат вакилларининг манфаатларини кўзловчи ижтимоий нормалар тизимини янада такомиллаштириш.

Мухтасар қилиб айтганда, сифатли таълим ва тарбия тизими миллий тарих, маданият ва анъаналарни ўргатиш жараёнида бошқа халқларнинг шундай белги ва сифатларига нисбатан ҳам хурмат билан муносабатда бўлишни тарбиялади, уларни ўрганишга шароит яратади. Бу икки ҳолат, яъни ўз миллатини севиши ва бошқа миллатларга хурмат билан муносабатда бўлиш инсонда бутун инсониятга дахлдорлик туйғусини камол топтиради, умуминсоний қадриятларни асрраб-авайлашга ўргатади, халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавқат Мирзиёевнинг 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси //president.uz
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 464 б.
3. Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик. – Тошкент: Go To Print, 2020.
4. Очилова Б., Маматкулов С. Ижтимоий фалсафа. – Тошкент: Ношир, 2016.
5. Тоффлер Э. Третья волна. – Москва: Аст, 1999. – 602 с.

